ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АЗИЗОВ ЁРҚИН ХУСАНОВИЧ

ХИРУРГИК СЕПСИСДА ЎПКАНИНГ НОРЕСПИРАТОР ФАОЛИЯТИ

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

УДК: 616-089+617.5+616.9+61:001.4+61(03)
+61(075)+612.2+612.82.83

Докторлик (DSc)диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Азизов Ёркин Хусанович
Хирургик сепсисда ўпканинг
нореспиратор фаолияти 3

Азизов Ёркин Хусанович
Нереспираторная функция легких
при хирургическом сепсисе …….. 29

Azizov Yorkin Khusanovich
Non-respiratory function of
lungsin surgerycal sepsis ……. 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …….. 59

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АЗИЗОВ ЁРҚИН ХУСАНОВИЧ

ХИРУРГИК СЕПСИСДА ЎПКАНИНГ НОРЕСПИРАТОР ФАОЛИЯТИ

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Tib169 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tma.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Охунов Алишер Орипович** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Зокиров Ёркин Узуевич** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Утямишев Равшан Гулямович тиббиёт фанлари доктори
	Худойбердиев Шухрат Нурматович тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Қозоқ-турк ҳалқаро Университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2. Тел/факс: (+99871) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2019 йил «____»_____куни тарқатилди.

(2019 йил «____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ж.Эрматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.У.Ирискулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда сепсис ва септик шок интенсив терапия палатасида беморлар ўлимига олиб келувчи энг кўп учрайдиган сабаблардан бири ҳисобланади. Замонавий адабиёт манбааларида сепсиснинг умумқабул қилинган таърифи мавжуд эмас ва бу ушбу оғир патологик ҳолатни баҳолашда маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради. Касалликларни назорат қилиш бўйича Америка маркази томонидан нашр этилган тадқиқотларда «...бугуни кунга келиб септицемия 100000 бемор ҳисобига 73,6 дан 175,9 гача ошганлиги» кўрсатилган. Америка ва Европа шарҳларида келтирилган маълумотларга кўра интенсив терапия палатасидаги ёки касалхонага ётқизилган барча беморларда сепсиснинг ривожланиши даражаси 2-11%гача ўзгариб туради...»[1]. Комплемент тизими, моноцитлар, макрофаглар, нейтрофиллар ва табиий киллер патоген микроорганизмларга нисбатан иммун ҳимоянинг биринчи тўсиғи ҳисобланади, «... агар мазкур ҳимоя ўз ўрнида ишламаса, яллиғланиш жараёни назоратдан чиқиб кетади ва бу микробларни тўхтатиб бўлмайдиган даражада кўпайиб кетиши ёки организм тўқималарини зарарланиши, томирлар коллапси ва мультиорган етишмовчилигига олиб келиши мумкин...»[2]. Бир қатор муаллифларнинг фикрича «...йирингли септик касалликларда ўлим ҳолатини юзага келиши нафақат полиорган етишмовчилик жараёнда иштирок этаётган органлар, балки жараённинг давомийлигига ҳам боғлиқдир, бир органда юзага келадиган етишмовчиликни кун давомида ушлаб турилиши ўлим ҳолатини 35-60% гача ошиши мумкин...»[3]. Хирургик сепсисда ўпканинг нореспиратор фаолияти патофизиологик мезонларини ишлаб чиқиш соҳа мутахассислари ҳал қилиши зарур бўлган муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда сепсисни эрта ташҳислаш, даволаш ва башоратлаш бўйича юқори самарага эришишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жарроҳлик сепсисининг оптимал тажриба моделини ишлаб чиқиш ва мазкур патологик жараённи ривожланиш динамикасида ўпканинг морфологик тавсифини асослаш; хирургик сепсисда ўпканинг тўсиқ-фильтрацион фаолиятини тавсифловчи кўрсаткичлар динамикасини ўрганиш шулар жумласидандир. Аралаш веноз ва артериал қон синамаларида оқсил, липид ва карбонсувлар алмашинувини тавсифловчи кўрсаткичлар бўйича ўпканинг метаболик фаоллиги интенсивлигини баҳолаш, хирургик сепсиснинг тажрибавий моделини ривожланиши динамикасида ўпканинг сурфактант ҳосил қилувчи вазифасини фаоллиги in vivo баҳолаш, хирургик сепсисни ривожланиши динамикасида ўпканинг тўсиқ-фильтрацион, метаболик ва сурфактант ҳосил қилувчи фаолиятини тавсифловчи кўрсаткичларнинг

---

[1] Bernard G.R., Artigas A., Brigham K.L. The American-European consensus conference on ARDS: definitions, mechanisms, relevant outcomes and clinical trial coordination // Amer. J. Respirat. Crit. Care Med. - 1994. - Vol.149, N3. - P.818-824

[2] Mokart D. Procalcitonin, interleukin 6 and: systemic inflammatory response; syndromierly markers of postoperative sepsis after major surgery // Br. J. Anaesth; 2009. - Vol. 94, № 6. - P. 767-773.

[3] Сепсис в начале 21 века Практическое руководство. / Под ред. В.С. Савельева. // М.: изд. НЦССХ им. А.Н.Бакулева РАМН. 2008. -130 – С.

патофизиологик ўзаро алоқасини аниқлаш ҳамда хирургик сепсис ривожланишини башоратлашда ўпканинг нореспиратор функцияси ҳолатини аниқлашнинг ташҳисий аҳамиятини асослаш; тадқиқот натижаларини клиник шароитга экстраполяциялаш йўли билан ўпканинг нореспиратор фаолиятини ҳисобга олган холда хирургик инфекциянинг турли шаклларида сепсис ривожланишини башоратлаш усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш, аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича вазифалар «....аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустахкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳаси, энг аввало, унинг бирламчи бўғини, тез ва шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш устувор аҳамиятга эга»[4]белгиланган. Стратегияда қайд этилган вазифалар касалликларни ташҳислаш, жумладан, хирургик сепсисни эрта ташҳислаш ва башоратлаш усулларини яхшилаш имконини беради, янги технологияларни қўллаш билан аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсаишни юқори даражага кўтариш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ва ҳаёт давомийлигини узайтиришни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стретегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 25 январдаги «Тез тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–3494-сон, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стретегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[5]. Хирургик сепсисни эрта ташҳислаш, ривожланишини башоратлаш ва даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Ottawa, University of Calgary (Канада), University of Nantes, University Сент-Луис (Франция); University of South Santa Catarina, (Бразилия); University of Queensland, University of Melbourne (Австралия); Medical University (Хитой), Central South University (Хитой), Cairo University (Миср), , Universidad Andrés Bello (Чили), Institute of Child Health (Покистон), Emory University (АҚШ), University Charite (Германия), University Heidelberg (Германия), оғир сепсисни даволаш маркази (Санкт-Петербург), Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Хирургик сепсисни эрта ташхислаш, башорат қилиш ва даволаш бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлар асосида қатор натижалар олинган, жумладан: ўсма касалликларининг местазларида хирургик амалиётдан олдинги муолажаларда сепсиснинг ривожланиш механизми асосланган (University of Ottawa, Канада); ДНК асосида ишланган микрочиплар ёрдамида қондаги батерияларни тезкор аниқлаш механизми ишлаб чиқилган (Helsinki University, Финляндия); индуцирланган сепсисда дендритик хужайралар реакциясининг иккиламчи пневмония ривожланишидаги ўрни очиб берилган (University of Nantes, Франция); антиоксидант хусусиятлари туфайли тажриба ҳайвонларида диметилфумарат дори воситасининг сепсис профилактикасидаги аҳамияти исботланган (University of South Santa Catarina, Бразилия); иммунометоболит-ларнинг кенг қўлланилиши орқали сепсис ривожланишининг олдини олиш исботланган (University of Queensland, Австралия); бош мия пўстлоғининг шикастланиши натижасида сепсис билан зарарланишга мойиллик юзага келиши асосланган (University of Calgary, Канада); мультипараметрик логистик регрессия ёрдамида сепсиснинг клиник мезонлари ишлаб чиқилган (University of Toronto, Италия); септик шокда артериал гипотония бартараф этилгандан сўнг антибактериал терапияни қўлланилиши каксаллик туфайли зудлик билан юзага келадиган ўлим ҳолатига таъсир механизми асосланган (University of Manitoba (Канада); сепсисни ривожланишида CD3+лимфоцитларнинг субпопуляцияси ва NK табиий киллерларнинг роли асосланган (Cairo University, Миср); хирургик сепсисида ўпканинг нореспиратор фаолиятини яхшилаш ва касаллик асоратларнинг олдини олиш ва замонавий ташхислаш тизими яратилган (Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон).

Дунёда хирургик сепсисни ривожланишида ўпканинг нореспиратор фаолияти аҳамиятини илмий асослаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, жарроҳлик сепсисининг клиникага яқинлаштирилган оптимал тажриба моделини ишлаб чиқиш; хирургик

[5]Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.uottawa.ca; www.ucalgary.ca; www.univ-nantes.fr; www.ufsc.br; www.uq.edu.au; www.fimmu.com; www.en.csu.edu.cn; www.cu.edu.eg; www.ucalgary.ca; www.unab.cl; www.ukbb.ch; www.unimelb.edu.au; www.nich.edu.pk; www.med.emory.edu; www.uni-tuebingen.de; www.alexu.edu.eg; www.ru.uj.edu.pl; www.kagawa-u.ac.jp; www.chuvsu.ru; www.sechenov.ru; www.liu.se; www.w3.sdu.edu.tr; www.umich.edu; www.unibo.it ва бошқа сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

сепсисни ривожланиши динамикасида ўпканинг тўсиқ-фильтрацион, метаболик ва сурфактант ҳосил қилувчи вазифаларини тавсифловчи кўрсаткичларнинг патофизиологик ўзаро алоқасини аниқлаш ҳамда хирургик сепсис ривожланишини башоратлашда ўпканинг нореспиратор функцияси ҳолатини аниқлашнинг ташҳисий аҳамиятини асослаш; тажриба тадқиқотлари натижаларини клиник шароитга экстраполяциялаш йўли билан ўпканинг нореспиратор функцияси ҳолатини ҳисобга олган холда хирургик инфекциянинг турли шаклларида сепсис ривожланишини башоратлаш усулларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўпка цитокин-каскадларнинг патологик занжиридаги энг биринчи нишон-аъзо ҳисобланади. Сепсисда клиник амалиётда илгаридан маълум бўлган «катталарнинг респиратор дистресс-синдроми»ни ривожланишидан аввал юзага келувчи «ўпканинг ўткир зарарланиши синдроми»нинг юқори даражада учраши айнан шу билан боғлиқдир. В.Ф.Саенконинг таърифига кўра «ўпканинг ўткир зарарланиши синдроми–ўткир респиратор дистресс-синдромнинг мотори бўлиб, мос равишда сепсисда кўпорган етишмовчилигини таъминлайди». «Биринчи фильтр назарияси»га кўра сепсисда «нейтрофил респиратор портлаш»ни ривожланиши билан қон ҳужайраларининг функционал фаоллигини ошириб, ўпкалар кўпроқ жабрланади. Медиаторлар, токсинлар ва тўқима детрити мазкур жараён маҳсулотлари билан бирга ўпка капиллярлари тизимига ўтади ва ўпкада қон айланишини жиддий бузилишига олиб келиб, мазкур синдромнинг ривожланишини таъминлайди (В.С. Савельева, 2008, Petty T.L., 2016). Ушбу ҳолатнинг ривожланиш механизмлари орасида ўпка нореспиратор фаолияти (ЎНФ)нинг ўрни ва аҳамияти тушунарсиз бўлиб қолмоқда, кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрига кўра эса мазкур ҳолат жараённинг тарқалиши патогенезидаги асосий бўғинлардан бири ҳисобланади [Мустафин Д.Г., Охунов А.О., 2003; Холмурзаев Н.Ш., 2000; Kooy N.W., Royall J.A., 2007].

Бу турдаги маълумотларни мавжуд эмаслигининг асосий сабаби клиникага яқинлаштирилган шароитда ўпканинг нореспиратор функциясини умумқабул қилинган усуллар билан текширишни мураккаблиги ва етарли эмаслиги ҳисобланади. Шунинг учун, сепсисни комплекс даволаш чора-тадбирларида ўпкани нореспиратор фаолиятининг бузилишини бартараф этиш имконияти тўғрисидаги маълумотларни мавжуд эмаслиги табиий холдир.

Юзага келган муаммони ҳал этиш истиқболлари фундаментал тажриба тадқиқотларини кенгайтиришдан иборат бўлиб, олинган натижалар мазкур касалликнинг табиатини, жумладан микро- ва макроорганизмларнинг ўзаро муносабатларини охиригача тушуниш имконини беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий ишлари режасига мувофиқ (давлат қайд рақами 01.070069) ва «Пульмонал ва экстрапульмонал патологик жараёнлар мисолида ўткир респиратор дистресс-синдромни шаклланиши патогенезида ўпканинг нореспиратор фаолияти компенсатор-мослашувчанлик

реакцияси қонуниятларини ўрганиш» мавзусидаги Ф5-СС-005 фундаментал грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жарроҳлик сепсиси ривожланиш патогенезида ўпканинг нореспиратор фаолиятининг ўрни ва аҳамиятини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жарроҳлик сепсисининг оптимал тажриба моделини ишлаб чиқиш ва мазкур патологик жараённи ривожланиши динамикасида ўпканинг морфологик тавсифлаш;

тажриба ҳайвонларида хирургик сепсиснинг ривожланишида аралаш веноз қон (АВҚ) ва артериал қон (АҚ) синамаларида ўпканинг тўсиқ-фильтрацион вазифасини тавсифловчи кўрсаткичлар динамикасини баҳолаш;

аралаш веноз ва артериал қон синамаларида оқсил, липид ва карбонсувлар алмашинувини тавсифловчи кўрсаткичлар бўйича ўпканинг метаболик фаоллиги интенсивлигини баҳолаш;

хирургик сепсиснинг тажрибавий моделини ривожланиши динамикасида ўпканинг сурфактант ҳосил қилувчи вазифасини фаоллигини in vivo баҳолаш;

хирургик сепсисни ривожланиши динамикасида ўпканинг тўсиқ-фильтрацион, метаболик ва сурфактант ҳосил қилувчи функцияларини тавсифловчи кўрсаткичларнинг патофизиологик ўзаро алоқасини аниқлаш ҳамда хирургик сепсис ривожланишини башоратлашда ўпканинг нореспиратор функцияси ҳолатини аниқлашнинг ташҳисий аҳамиятини асослаш;

тажриба тадқиқотлари натижаларини клиник шароитга экстраполяциялаш йўли билан ўпканинг нореспиратор функцияси ҳолатини ҳисобга олган холда хирургик инфекциянинг турли шаклларида сепсис ривожланишини башоратлаш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини оғирлиги 1500-2500 г. 47 та ҳар икки жинсга мансуб зотсиз қуёнлар ва 2008-2011 йилларда Республика қандли диабетнинг хирургик асоратлари ва йирингли жарроҳлик марказида текширувда бўлган ва даволанган юмшоқ тўқималарнинг йирингли-ялиғланиш касалликларини оғир шакллари билан оғриган 74 нафар бемор ташкил қилган.

Тадқиқот предмети сифатида ўпкага кириш ва чиқишдаги веноз ва артериал қон синамалари, бронхоальвеоляр чайиш материаллари, клиник-лаборатор қон кўрсаткичлари, ўпка тўқимаси бўлакчалари, йирингли яра ажралмаларининг материаллари олинган.

Тадқиқот усуллари: Қўйилган вазифаларни хал этишда умумклиник, клиник-лаборатор, биокимёвий, функционал, микробиологик, морфологик, рентгенологик ва статистик текширув усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор замонавий патофизиологик нуқтаи-назардан жарроҳлик сепсиси ривожланишида ўпка нореспиратор фаолияти бузилишининг фундаментал-амалий аҳамияти, ўпканинг сурфактант ҳосил қилиш, тўсиқ-фильтрацион, метаболик бузилишининг босқичли касалликнинг оғир шаклларида бирга келган ҳолатлари очиб берилган;

жарроҳлик сепсисида ўпканинг нореспиратор фаолиятининг етишмовчилиги мазкур органнинг морфологик структурасини босқичли қайта қурилиш фонида ўтувчи, чегараланган ва қайтмас жараёнлар кўринишида кечиши асосланган;

жарроҳлик сепсис ривожланишининг патофизиологик мезонларини башорат қилиш ва эрта ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган;

нитрооксигидрик тизим яллиғланиш олди цитокинлари ва генераллашган яллиғланиш предикторлари белгиларининг корреляцион боғланиши ёрдамида ўпканинг нореспиратор фаолиятининг бузилиш даражасини интеграл баҳолаш асосланган;

жарроҳлик сепсиси эксперименталь модели ишлаб чиқилиб, уни юмшоқ тўқималарни йирингли яллиғланиш касалликларининг оғир шаклларини такомиллаштириш моделлари билан бирга келиши ва ўпканинг нореспиратор фаолиятидаги ўзгаришларни комплекс ташхислаш усуллари тизимлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хирургик сепсисни ривожланишини ташҳислаш ва башоратлаш учун мўлжалланган ва индивидуал равишда ҳар бир беморни юритиш тактикаси алгоритмини ажратиб олиш имконини берувчи «Sepsis» дастурий модул тизими ишлаб чиқилган ва клиник амалиётда апробациядан ўтказилган;

тажриба ҳайвонларида сепсисни моделлаштиришнинг оригинал усули ва ЎНФни текшириш усуллари ишлаб чиқилган бўлиб, улар патологик жараённинг ҳар бир босқичида ўпкада кечадиган регионар функционал ва метаболик бузилишларни динамикада ўрганиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник-лаборатор ва биокимёвий, функционал, микробиологик, морфологик, рентгенологик ва статистик усуллар, шунингдек, етарли миқдордаги тажриба материали ва беморлар, юмшоқ тўқималарнинг йирингли-яллиғланиш касалликларини оғир шаклларида инфекциянинг тарқалишини ташҳисий ва башорат мезонларини такомиллаштириш, статистик таҳлил усулларининг асосланган жамланмаси, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларнинг назарий аҳамияти шу билан белгиланадики, тажрибада олинган маълумотлар хирургик сепсиснинг ривожланишида ЎНФ бузилишларини юзага келишини таъминловчи механизмларни тушуниш учун фундаментал асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти клиник-лаборатор коэффициентларни интеграл ҳисоблаш билан азот оксиди ингредиентлари, яллиғланишолди цитокинлари ва эндотоксемия предикторларини аниқлаш каби юмшоқ тўқималарнинг йирингли-яллиғланиш касалликларининг оғир шакллари мавжуд беморларда хирургик сепсисни башоратлашнинг асосий усуллари кўрсатилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хирургик сепсисда ўпканинг нореспиратор фаолиятини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Сепсис. Муаммонинг замонавий қарашлари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 ноябрдаги 8н-д/243 сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма сепсис кечишининг оғирлик даражасини аниқлаш ва касаллик кечишини башорат қилиш имконини берган;

«Сепсисни даволашнинг клиник иқтисодий аспектларнинг далилларига исботланган тиббий асослари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 ноябрдаги 8н-д/243 сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма сепсисини даволаш натижаларини сезиларли ошириш ҳамда касалликни даволашга сарфланадиган харажатларни ишончли далиллар асосида баҳолаш имконини берган;

«Турли ҳажмларда ва уни кесганда ўпканинг нораспиратор фаолияти» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 ноябрдаги 8н-д/243 сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ўпканинг нореспиратор фаолиятининг хирургик амалиётини ўтказгандан кейин ҳажмларини аниқлаш ва патогенетик даволаш тизимини ташкиллаштириш имконини берган;

хирургик сепсисида ўпканинг нореспиратор фаолиятини ташхислаш ва даволашни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика йирингли жарроҳлик ва қандли диабетнинг жарроҳлик асоратлари маркази, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги олий ўқув юртлариаро марказий илмий-тадқиқот лабораториясининг амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 8н-з/207 сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши сепсисда турли биокимёвий метаболитларда веноз-артериал фарқни ҳисоблаш йўли билан асосланган ўпканинг нореспиратор фаолиятини баҳолашнинг аҳамияти, лаборатория шароитида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг метадологик ёндашувига татбиқ этиш, пульмонал ҳамда экстрапульмонал генезли патологик жараёнларни ташхислаш ва башоратлаш, келгусидаги инновацион ишланмалар учун таянч нуқтаси сифатида хизмат қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 23 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. 1 та ихтирога патент олинган,

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 188 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети белгилаб берилган, тадқиқотнинг республика фан ва технология-лари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, тадқиқотда олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш маълумотлари келтирилган, илмий иш натижалари асосида чоп этилган материаллар, диссертация тузилмаси ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган.

Диссертациянинг **«Хирургик сепсисда ўпканинг нореспиратор фаолиятининг замонавий ҳолати»** деб номланган биринчи бобида сепсис муаммосининг замонавий ҳолати бўйича дунё адабиётлари маълумотларининг батафсил таҳлили, ЎНФни физиологик ва патофизи-ологик жиҳатлари, пульмонал ва экстрапульмонал яллиғланиш жараёнида ўпканинг жароҳатланиши бўйича охирги маълумотлар тақдим этилган. Шунингдек, йирингли-яллиғланиш касалликлари тарқалган шаклларининг турли тажриба моделларини яратишни ишончлилигига нисбатан ҳал этилмаган ва зиддиятли масалаларнинг асосий жиҳатлари келтирилган.

Диссертациянинг **«Хирургик сепсисда ўпканинг нореспиратор фаолиятини баҳолашнинг тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тажриба ва клиник материалнинг умумий тавсифи берилган, тадқиқот усуллари баён этилган.

Тажриба санитария-эпидемиология хизмати талабларига жавоб берадиган Тошкент тиббиёт академияси виварийсида одатдаги лаборатория рационида сақланган, оғирлиги 1500-2500 грамм бўлган 47 нафар ҳар икки жинсга тегишли зотсиз қуёнларда амалга оширилган. Барча ҳайвонлар икки гуруҳга бўлинган: назорат–12 та интакт қуёнлар (патологик жараён моделлаштирилмаган); асосий–хирургик сепсисни тажрба модели–ХСТМ чақирилган 35 та қуён.

Хирургик сепсиснинг тажриба модели илгаридан режалаштирилган организмнинг иммунсупрессияси фонида юмшоқ тўқималарнинг кенг йирингли-некротик ўчоғини биз ишлаб чиққан оригинал усулда моделлаштириш йўли билан ҳосил қилинди.

Моделлаштириш қуйидаги кўринишда амалга оширилди: жинсий етилган қуёнларга наҳорга эфир наркози остида 2 кун давомида қорин ичига антилимфолин-Кр 100 грамм тана вазнига 0,03 мг дозада юборилди. 3-суткага келиб ҳайвоннингорқасидаги 5 та нуқтада териорасига 10%ли хлорли кальций эритмасида суюлтирилган 30%ли 3-4 мл ҳайвоннинг аутонажас суспензияси юборилди. Маълумки, антилимфолин-Кр иммундеприссив дори воситаси ҳисобланади. Бунда ҳайвоннинг аутонажаси патоген флоранинг полиморф манбаси ҳисобланади, у моделлаштирилган жараённи клиник шароитга максимал яқинлаштиради. Тери остига юборилган хлорли кальций эритмасиюмшоқ тўқималарда некрозни чақиради, бу эса ўз навбатида

микрофлоранинг ўсиши учун қулай шароит яратади. Некротик фасциитнинг асосий белгилари бўлиб юмшоқ тўқималарнинг фасциал ва чуқур структураларининг зарарланиши билан кечувчи йирингли-некротик яраларнинг мавжудлиги ҳисобланади (1-расм).

Сепсис тизимли яллиғланиш жараёни синдромининг камида 2 та белгиси мавжудлиги бўйича баҳоланди ($SIRS_{2\leq}$). Бунинг учун инъецирлашдан кейинги 1,3,7 ва 14 кунларда тажриба ҳайвонларидаги нафас ҳаракатлари ва юрак қисқаришларининг тез-тезлиги, тананинг ректал ҳароратиўлчанди, лейкоцитар формулани аниқлаш билан бирга қондаги лейкоцитлар сони ҳисобланди. Шунингдек, SAPSни баҳолаш усулидан фойдаланилди.

Тадқиқот учун қон намуналари юракнинг ўнг қоринчаси соҳасида ташқи бўйинтириқ венасига ўрнатилган эндоваскуляр катетер орқали – ўпкага кириш қисмида аралаш веноз қон (АВҚ) ва чап уйқу артериясига ўрнатилган катетер орқали – ўпкадан чиқиш соҳасидаартериал қон (АҚ) олинди.

Олинган натижаларни барча текширилган ҳайвонларнинг ҳар бир қон намунасида кўрсаткичларнинг ўртача қиймати ва ўртача хатони аниқлашни ўз ичига олувчи статистик таҳлил қилишнинг анъанавий усуллари (М±м), билан бир қаторда ҳар бир тажриба учун ўпкага кириб келувчи ва ўпкадан чиқувчи қондаги субстратлар орасидаги веноз-артериал фарқ (ВАФ) қиймати ҳисобланди.

Веноз-артериал фарқ белгилари қуйидагича бўлиши мумкин: ўпкага «ташланувчи» (синтез) субстратдан гувоҳлик берувчи ижобий катталик (+); ўрганилаётган субстратларни ўпкада»ушлаб қолиниши»(ўзлаштирилиши ёки инактивация)га гувоҳлик берувчи манфий катталик (-); мазкур субстратга нисбатан ўпканинг нейтрал муносабатини кўрсатувчи «ноль» катталик (0).

Бронх-альвеоляр лаваж суюқлиги (БАЛС) олдиндан ўрнатилган эндобронхиал катетер орқали бронхларни натрий хлориднинг илиқ физиологик эритмаси билан ювиш йўли билан олинди. Тадқиқотнинг ўхшаш усули ҳайвонларда патологик жараён ривожланишининг 1,3,7 ва 14-кунларида амалга оширилди.

Олинган натижаларнинг экстраполяцияси 2008-2011 йиллар мобайнида қандли диабетнинг жарроҳлик асоратлари ва йирингли жарроҳлик Республика марказида текшириш ва даволанишда бўлган юмшоқ тўқималарнинг йирингли-яллиғланиш касалликларини оғир шакллари билан оғриган 74 нафар беморда ўтказилди. Беморларнинг ўртача ёши 52,7±3,4га тенг бўлди. Асосий қисмни миозит, биринчи ва иккинчи типдаги некротик фасциит билан синергик некротик целлюлитга чалинган беморлар ташкил этди. Қайд этилган барча беморлар D.H. Ahrenhols [2007] таснифи бўйича III даража тоифасига киритилди, йирингли-некротик миозит қўшилган холда юмшоқ тўқималарнинг IV даражали зарарланиши қайд этилди (1, 2-расм).

38,5% холатда юмшоқ тўқималарнинг йирингли яллиғланиш касалликларини оғир шакли юмшоқ тўқималар шикастидан сўнг ривожланди, 28,2% ҳолатда -жарроҳлик аралашувидан сўнг, 19,8% ҳолатда - инвазив муолажадардан сўнг ва 13,5% ҳолатда – параректал соҳанинг йирингли-яллиғланиш касаллик-ларидан сўнг ривожланди.



1-расм. Фурнье гангренаси



2-расм. Синергик некротик целлюлит

Тадқиқот усуллари. Тажриба тадқиқотлари босқичли бўлиб, Тошкент тиббиёт академиясининг марказий илмий-тадқиқот лабораториясида бажарилди. Ҳайвонларни умумий текширувлари қуйидагиларни ўз ичига олди: ҳайвонларнинг умумий кўриги, фаоллик даражаси, ҳатти-ҳаракатини баҳолаш, овқатга бўлган муносабати, жунининг ҳолати, нафас ҳаракатлари частотаси, пульсация (юрак зарби орқали аниқланади)ни ҳисоблаш, ректал ҳароратни ўлчаш. Умумий усуллар билан бир қаторда лаборатор тадқиқотлар комплекси ҳам олиб борилди.

Ўпкадаги эндотелиал функция ҳолати А.П.Солодко ва ҳаммуал (2007) томонидан модификация қилинган Грисс усулида NO_2, NO_3, шунингдек қондаги NO-синтазаларнинг ферментатив фаоллиги кўрсаткичлари бўйича ўрганилди.

NO концентрацияси депротеинизацияда суюлтиришни ҳисобга олган ҳолда калибрлаш жадвалини тенглаштириш йўли билан ҳисобланди. Оптик зичлик 520 нм тўлқин узунлигида ишловчи СФ-46 спектрофотометрида анқланди.

Виллебранд омили (VWF) - мкмоль/л, Human фирмасининг реагентлар тўплами ёрдамида Германиянинг Humaclot DUO ёпиқ турдаги автоматик анализаторида тадқиқ қилинди.

Оқсилларнинг (альбумин ва глобулин) фракциялари унифицирланган агароз қопламаларида электрофоретик ажратиш усулида аниқланди.

Углевод алмашинув кўрсаткичларидан қондаги глюкоза, сут кислотаси (СК) ва пироузум кислотаси (ПУК) миқдори Vitros DT 60 II (АҚШ) автоматик биокимёвий анализаторида стандарт зардоб усули билан аниқланди. Ҳам қон зардобидаги, ҳам бронхоальвеоляр суюқлик таркибидаги фосфолипидлар фракциялари силикагелдаги юпқа қатламли хромотография усули билан ажратилди. Фосфолипидларнинг йиғинди миқдори Чехиянинг «БиоЛаТест» фирмаси тўплами ёрдамида аниқланди.

Қоннинг фермент спектори қуйидаги ҳажмда аниқланди: ФЛП-A_2 (МЕ/л.с), ИФ (МЕ/л.с), ХЭСТР (МЕ/л.с), Альдолазалар (МЕ/л.с), Гл-6-ФДГ (МЕ/л.с), ЛДГ (МЕ/л.с), γ-ГТ (МЕ/л.с) ва КФК (МЕ/л.с) FP-901 (Финляндия) биокимёвий анализаторида унифицирланган ферментатив-кинетик усул билан аниқланди. Лактатдегидрогеназа изоферментлари Vitros DT 60 II (АҚШ)

анализаторида унифицирланган агароз қопламаларида электрофоретик ажратиш усулида аниқланди.

Қон зардобидаги цитокинлар (IL-1b, IL-6, TNF-α) концентрацияси Россиянинг «Цитокинлар» ОАЖ томонидан ишлаб чиқилган тест тизим реактивлар тўпламидан фойдаланган ҳолда қаттиқ фазали иммунолюминометрик иммунфермент усулда аниқланди.

Лактоферрин (LTF) - нг/мл ва прокальцитонин (PCT) концентрацияси – AT 858 аппаратида Россиянинг «Вектор-Бест» ЗАЖ томонидан ишлаб чиқилган стандарт реагентлар тўпламидан фойдаланган ҳолда қаттиқ фазали иммунолюминометрик иммунфермент усулда аниқланди.

Рентгенологик текширувлар кўрсатма бўйича ўтказилди. Ўпканинг обзорли рентгеноскопияси Silhouette VR (АҚШ) фирмаси аппаратида ўтказилди.

Микробиологик текширувлар Тошкент тиббиёт академияси қошидаги «Intellect Med» илмий-тадқиқот лабораториясида амалга оширилди. Бактериемияни аниқлаш учун аэроб ва анаэроб микроорганизмларни ўрганиш бўйича озуқа муҳитини тутувчи иккита флаконга қон намуналари экилди. Аэроб ва анаэроб шароитда ўсган колониялар уларнинг морфологияси ва микроскопия натижалари бўйича таққосланди. 1 мл патологик материалдаги (экссудат) микроорганизмлар миқдори абсолют сонларнинг ўнглик логарифмларида акс эттирилди.

Гистологик тадқиқотлар учун тўқима бўлаклари нейтрал формалинда, Карнау суюқлигида фиксация қилинди ва парафинга қуйилди. Кесмалар Ван-Гизон бўйича гематоксилин ва эозин билан бўялди. Ёруғлик микроскопияси ва морфометрия Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган XSZ-20 тринокуляр микроскопида амалга оширилди.

Олинган натижалар уларнинг тушиши мобайнида Microsoft Excel дастурида унификацияланган умумий жадвалда тизимлаштирилди, Statistica for Windows (версия 10) дастури ёрдамида қайта ишланди. Ишлаб чиқилган ташҳисот дастурининг башорат аҳамияти Р.Флетчер [2008] томонидан баён этилган усулда аниқланди.

Диссертациянинг **«Хирургик сепсиснинг янги тажриба моделини ишлаб чиқиш ва патологик жараённинг ривожланиш динамикасида ўпка тўқимасининг морфоструктур тавсифи»** деб номланган учинчи бобида янги ХСТМни ишлаб чиқиш, унинг клиник-микробиологик ва морфологик тавсифи, шунингдек, патологик жараённинг ривожланиш динамикасида ўпканинг морфофункционал тавсифига оид маълумотлар келтирилган.

Тажриба тадқиқотларида олинган натижалар юмшоқ тўқималарнинг йирингли-яллиғланиш касалликлари юмшоқ тўқималарнинг деструкцияси ва организмнинг иммунсупрессив ҳолати фонида кечиши кераклигини тасдиқлаб, унга ХСТМ ривожланишидан олдинги фаза сифтида қараш хукуқини беради.

Шу сабабли, жараённи касалликнинг клиник кечишига яқинлаштириш ҳисобига моделни юзага келиш ҳолатини яхшилаш мақсадида олдиндан 2 кун давомида антилимфолин-Кр 100 грамм тана вазни ҳисобига 0,03 мг дозада қуёнларнинг қорин бўшлиғига юборилди, сўнгра қўшимча равишда ҳайвоннинг орқасига 5 та нуқтада тери орасига 10%ли хлорли кальций эритмасида

суюлтирилган 30%ли 3-4 мл аутонажас суспензияси юборилди (некротик жараённи юзага келтириш мақсадида).

Юмшоқ тўқималарнинг йирингли-яллиғланиш касалликларини оғир шакллари фонида яратилган хирургик сепсиснинг тажриба модели унинг патогенетик асосланганлиги туфайли моделни юзага чиқарилишини 31,5% дан 87,7% гача ошириш ва тажрибанинг 1-кунидаёқ ҳайвонлар ўлимини 68,5% дан 12,3% гача камайтириш имконини берди, бу мазкур моделни экспериментал тиббиётда қўллашга тавсия бериш имконини беради.

Микробиологик текширувлар некротик фасциит фонида ХСТМ ривожланишида ассоциирланган микроблар экилишининг устунлик қилишини кўрсатди, тажрибани ўтказиш даврида ўрганилган гемокультурада 25 қўзғатувчи ажратиб олинди: 15 (60%) - факультатив бактериялар, 6 (24%) - облигат анаэроблар ва 4 (16%) - жиддий аэроблар.

Некротик фасциит фонида чақирилган хирургик сепсис ўпка тўқимасидаги маълум бир даврийлик тавсифига эга структур ўзгаришлар билан кечди.

I давр – ХСТМнинг эрта муддатлари (1-3 кун) аксарият ҳолларда функционал ва компенсатор характерга эга ўпка тўқимасидаги томирлар реакцияси билан тавсифланди.

II давр (7-кун) - ўпка тўқимасидаги ўзгаришлар диссеминирланган характерли нообтурацион микроателектазлар сонининг ошиши билан тавсифланди.

III давр (14-кун) - ўткир респиратор дисстресс синдромнинг морфологик белгилари билан тавсифланди. У альвеола бўшлиқларида оқсил ва фибрин ипларига бой бўлган суюқликнинг пайдо бўлиши, шунингдек алвеолоцитларнинг парчаланиши билан тавсифланди.

Диссертациянинг **«Хирургик сепсисни тажриба моделида ўпканинг нореспиратор фаолиятини тавсифи»** деб номланган тўртинчи бобида патологик жараённи ривожланиш динамикасида ўпканинг тўсиқ-фильтрацион, метаболик ва сурфактант ҳосил қилувчи вазифаларининг ҳолати алоҳида акс эттирилган.

Ўпкалар патологик жараённинг 7- ва 14-кунларида АҚ таркибида LTF миқдорини оширди. 75% ҳолатда мазкур кўрсаткичларнинг ошиши назорат ва тадқиқотнинг аввалги муддати кўрсаткичларидан ишончли фарқ қилди ($p<0,05$) (1-жадвал). ХСТМ ривожланишининг эрта муддатларида РСТ бўйича ВАФ «манфий» қийматдан «мусбат»га ўзгарди, яъни патологик жараённи 1-3-кунларида мазкур субстратни ўпкада утилизация қилиниши камайди ($p<0,05$).

1-жадвал

Турли қон намуналарида меъёр ва хирургик сепсиснинг тажрибавий моделини ривожланиши динамикасида ўпканинг тўсиқ-фильтрацион функциясини тавсифловчи кўрсаткичлар

Қон намуналари кўрсаткичлари	Тажриба сериялари					
	Назорат		1 сутка		3 сутка	
	СВК	АК	СВК	АК	СВК	АК
LTF (нг/мл)	105,3±1,83	90,2±1,25	1314±16,1**	366,5±33,4***	1544±24,2***	1415±22,2***
PCT (нг/мл)	0,41±0,04	0,39±0,05	0,65±0,05**	0,32±0,02	1,17±0,19**	0,61±0,11
IL-1b (пкг/мл)	30,3±0,57	12,8±0,5	26,1±1,24**	13,2±0,9	48,2±1,39***	34,6±0,94***
IL-6 (пкг/мл)	5,2±0,22	4,2±0,27	29,6±0,88***	4,5±0,23	32,8±0,73***	8,3±0,13***
TNF-a (пкг/мл)	23,3±0,52	14,1±0,33	24,7±0,75	15,5±0,51*	25,5±0,46**	16,1±0,44**
NO (мкмоль/л)	16,41±0,45	25,51±0,72	18,25±0,61*	22,4±0,88*	22,94±0,92***	24,14±0,5
eNOS (мкмоль/мин/л)	2,82±0,14	5,63±0,17	3,15±0,14	6,11±0,32	2,23±0,19*	4,21±0,24***
iNOS (мкмоль/мин/л)	0,23±0,04	0,1±0,03	0,26±0,02	0,09±0,01	0,27±0,02	0,09±0,02
ONOO- (мкмоль/л)	1,51±0,04	0,60±0,04	1,82±0,07**	0,72±0,05	1,95±0,08**	0,55±0,1
VWF (мкмоль/л)	0,65±0,06	0,10±0,01	3,1±0,14***	2,1±0,16***	5,70±0,19***	4,8±0,08***
	Назорат		7 сутка		14 сутка	
LTF (нг/мл)	105,3±1,83	90,2±1,25	1852±31,5***	2907±44,1***	1922±42,8***	3865±41,5***
PCT (нг/мл)	0,41±0,04	0,39±0,05	41,5±1,01***	55,5±1,05***	59,4±3,1***	77,7±1,3***
IL-1b (пкг/мл)	30,3±0,57	12,8±0,5	65,6±0,88***	64,8±1,2***	68,7±0,78***	68,2±1,13***
IL-6 (пкг/мл)	5,2±0,22	4,2±0,27	95,6±0,85***	105,4±1,08***	105,9±1,26***	142,5±0,92***
TNF-a (пкг/мл)	23,3±0,52	14,1±0,33	40,9±0,76***	49,5±0,8***	60,7±1,07***	82,5±1,68***
NO (мкмоль/л)	16,41±0,45	25,51±0,72	29,53±0,93***	17,61±0,67***	37,71±0,63***	14,52±0,33***
eNOS (мкмоль/мин/л)	2,82±0,14	5,63±0,17	2,02±0,10***	3,91±0,09***	1,72±0,12***	3,42±0,17***
iNOS (мкмоль/мин/л)	0,23±0,04	0,1±0,03	0,39±0,03**	0,16±0,01	0,48±0,03***	0,2±0,02**
ONOO- (мкмоль/л)	1,51±0,04	0,60±0,04	2,71±0,08***	2,99±0,13***	3,43±0,18***	5,26±0,19***
VWF (мкмоль/л)	0,65±0,06	0,10±0,01	18,4±0,56***	25,6±0,37***	27,1±0,74***	36,2±0,64***

Изоҳ:*– кўрсаткичлар назорат гуруҳи қийматларига нисбатан ишончли, (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001)

Лейкоцитларнинг яллиғланиш ўчоғига кейинги миграцияси махсус предиктор–LTF томонидан назорат қилинади. LTFнинг асосий вазифаси яллиғланиш ўчоғида нейтрофилларни тўплаш ва уларнинг функционал фаоллигини индуцирлашдан иборат. ХСТМни шаклланишида цитокинларни ажралиши маҳаллий ишлаб чиқаришдан тизимли қон оқимига «кам ажралиш» гача бўлган чегара доирасидан четга чиқди. Бундай ҳужумга дуч келган биринчи «нишон» аъзо – ўпкада томирлар эндотелийсининг жароҳатланиши юзага келди, бу ўпка тўқимасининг морфологик текширувлари билан исботланган. Бу вақтда альвеоляр макрофаглар фаоллашади ва фазали ўзаро таъсирларга жалб этилади. Натижада, бир томондан улар сафарбар этилади ва ўпканинг «тўсиқ-фильтрацион» функцияси имкониятлари ошади, иккинчи томондан эса ҳужайраларнинг ўзини ва атрофдаги тўқималарнинг жароҳатланиши кучаяди. Яллиғланиш ўчоғида кислороднинг қисман тикланиш маҳсулотлари тўпланиб, улар NOнинг вазоактив таъсирини пасайтиради. NO ва қисман тикланган кислород эндотелиал тизим ҳужайралари, биринчи навбатда ўпка ҳужайраларини жароҳатловчи ONOO- ни ҳосил қилиш билан ўзаро тез таъсирлашади. Мазкур реакция томирлар девори, шунингдек альвеолоцитлар юзасидан NO чиқариб юборилишини таъминлайди. Ўз навбатида, ONOO– кучли таъсирга эга оксидант бўлиб, у ўпканинг альвеоляр эпителийси ва сурфактант тизимини жароҳатлаш хусусиятига эга. У мембрана оқсиллари ва липидларини бузилишини чақиради, эндотлеийни жароҳатлайди, тромбоцитларнинг агрегациясини оширади, эндотоксемия жараёнларида қатнашади.

Биз аниқлаган ўпка тўқималарида кўп миқдорда NOни тўпланиши жароҳатловчи таъсирга ҳам эга. NO ҳосил бўлишининг мазкур доираси иммун жавобнинг охирги босқичларида организмни ҳимоялашни кўзда тутувчи нитрооксидергик тизимнинг компенсатор реакцияси билан боғлиқ. ХСТМни ривожланиш динамикасини таҳлил қилиб, қоннинг турли намуналарида оқсил фракциялари миқдорининг бир хил ўзгармаслигини қайд этиб ўтиш лозим. Хусусан, АВҚ назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан альбуминлар миқдорининг тажрибани 1-3 кунларида 1,2 марта ва 7-14 кунларида 1,3-1,5 марта прогрессирланувчи камайиши билан тавсифланди. Мос равишда АВҚда альбуминлар миқдорининг энг паст даражаси ХСТМ ривожланишини 14-кунларига тўғри келди ва 38,1±1,13%ни ташкил этди. Альбуминларга қарши глобулинларнинг йиғинди миқдори патологик жараён ривожланишининг 1-3 кунларида 1,2, 14-кунда–1,5 марта ошди. ХСТМ ривожланиши динамикасида АҚ ва АВҚдаги ўхшаш ўзгаришлар, АҚдаги альбуминлар миқдори назорат гуруҳидаги худди шу ўзгаришлар билан тавсифланади , яъни кузатувда АҚдаги альбуминлар миқдори назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 1-3 кунларда – 1,2 марта, 7-кунда–1,5 ва 14-кунда-1,6 марта камайди (2-жадвал).

Шундай қилиб, АВҚда глобулинлар фракциясини ўрганиш ХСТМни ривожланиши диспротеинемиянинг шаклланишида бир хил тавсифга эга эмаслигини кўрсатди. γ-глобулинларнинг нисбий турғунлиги ва β-глобулинларнинг бир хил бўлмаган динамикасида α_1 - ва α_2 - глобулинларда фаол ўзгаришлар қайд этилди.

2-жадвал

Хирургик сепсиснинг тажриба моделини ривожланиш динамикасида қоннинг турли намуналарида альбуминлар ва глобулинлар (%) миқдорининг ўзгариши тавсифи

қон намуна-лари	Тажриба сериялари				
	назорат	Тажриба модели динамикаси			
		1 кун	3 кун	7 кун	14 кун
Альбуминлар (%)					
АВҚ	56,8±1,42	49,1±1,54**	48,2±1,39***	43,3±1,21***	38,1±1,13***
АҚ	52,4±1,23	44,9±1,12***	43,4±1,11***	37,4±1,11***	32,0±1,1***
Глобулинларнинг умумий даражаси (%)					
АВҚ	40,4±1,23	50,7±1,48***	51,7±1,98***	56,3±1,12***	61,1±1,13***
АҚ	42,4±0,98	54,4±1,23***	54,5±0,87***	56,8±1,11***	56,5±0,93***

Изоҳ:*– кўрсаткичлар назорат гуруҳи қийматларига нисбатан ишончли, (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001)

Шу билан бирга, глобулинлар фракцияси алоҳида ўрганилганда АВҚ таркибида улар концентрациясининг ўзгаришини 2 тури яққол кўринди. Концентрация ўзгаришининг 1-тури патологик жараён ривожланишининг 1-3 суткаларида нисбий турғунликда бўлган субстрат миқдорининг секин-аста ошиши билан тавсифланди. Мазкур тур α_2–ва γ-глобулинлар учун хосдир. Иккинчи тури – прогрессирланувчи, йирингли интоксикациянинг оғирлик даражасини ошиб бориши мобайнида кўрсаткичнинг қадамма-қадам ошиши билан тавсифланди. Ушбу тур α_1-глобулинлар учун хос бўлди. АВҚда β-глобулинлар концентрациясининг ўзгаришини тўлқинсимон эгрилигига нисбатан уларнинг бошқа фракцияларини ўзгариш даражасига боғлиқлигини қайд этиб ўтиш лозим, яъни α_1-, α_2- ва γ-глобулинлар концентрацияси ошганда β-глобулинлар миқдори ҳам кўтарилди. Юқорида қайд этилган глобулинлар миқдорини нисбий турғунлашувида β-глобулинлар даражаси пасайди. Бундай ўзига хослик тадқиқотнинг кейинги муддатларида ҳам қайд этилди.

Олинган маълумотларни таҳлили асосида ХСТМда ўпканинг альбумин ва глобулинлар миқдорига муносабати бир хил эмаслигини қайд этиб ўтиш жоиз. Маълумки, яллиғланишда протеолиз жараёнлари кучаяди, бу қонда α_1-глобулинларнинг маҳсулоти бўлмиш биокимёвий фаол моддалар (кининлар)ни ҳосил бўлиши билан боғлиқ. Бизнинг тадқиқотларимизда мазкур фракциянинг АҚда 47% ошиши аниқланди.

Шу билан бирга АҚда кининларнинг табиий ингибиторлари бўлмиш альбумин миқдорини 13%га камайиши қайд этилди. Патологик жараённинг прогрессирланишида (ХСТМнинг 14-куни), умуман олганда, ўпкадан ўтиш мобайнида қон таркибидаги (оқсил фракциялари кўрсаткичлари бўйича) ўзгаришлар 7-кундаги кўрсаткичлар билан ўхшаш. Бироқ, АВҚга нисбатан АҚ таркибида глобулинлар миқдорининг ошиш тенденцияси патологик жараённинг 14-кунига келиб анча кучайди. Мазкур жараёнлар айниқса, ХСЭМда ўпкадаги альбумин/глобулин коэффициентининг ўзгаришлари динамикасида ўз аксини топди.

Бунда иккита тенденция кузатилди: биринчи – ХСЭМнинг ривожланиши давомида альбумин/глобулин коэффициентини 1,4 дан 0,6 бирл.гача прогрессив

пасайиши. Иккинчи: оқсилларнинг кичик (альбуминлар) ва йирикдисперсли (глобулинлар) фракциялари орасидаги нисбатни меъёрлаштиришга қаратилган периферик метаболизмнинг синтетик фаолиятини секин-аста пасайиши (мазкур нисбатнинг бузилишида ўпка катта ўрин ўйнайди). Ривожланаётган септик жараён ва гиперметаболизм оқибатларини организмда оқсилларнинг йўқотилиши ва диспротеинемияни келтириб чиқарувчи сабаблар сифатида кўрсатиш мумкин. Мазкур ўзгаришларни баҳолашда ВАФнинг ўртача катталигини аниқлаш билан АВҚ ва АҚ концентрациялари орасидаги фарқни алоҳида ҳисоблаш юқори ахборийликка эга бўлди.

Касалликнинг 14-кунида ҳам АВҚ, ҳам АҚда аниқланган УФнинг юқори миқдори, организмда унинг катаболизми пасайганидан ишончли дарак беради, бунда ўпка етакчи ўрни ўйнайди (3-жадвал).

3-жадвал

Меъёрда ва ХСТМни ривожланиши динамикасида қоннинг турли намуналаридаги фосфолипидлар миқдори

Қон намунаси кўрсаткичлари	Тажриба сериялари				
	Назорат	Тажриба модели динамикаси			
		1 кун	3 кун	7 кун	14 кун
АВҚ					
СФ (мкг.Ph)	1,85±0,04	1,98±0,1	1,71±0,09	1,65±0,2	1,57±0,1
ФХ (мкг.Ph)	1,15±0,016	0,87±0,06	0,74±0,04	0,69±0,07	0,68±0,11
ЛФХ (мкг.Ph)	0,179±0,07	0,15±0,07	0,25±0,06	0,27±0,09	0,29±0,07
ФЭА (мкг.Ph)	0,137±0,06	0,56±0,01	0,39±0,06	0,38±0,07	0,30±0,09
СФМ (мкг.Ph)	0,387±0,05	0,40±0,12	0,32±0,09	0,31±0,05	0,29±0,07
АҚ					
СФ (мкг.Ph)	1,93±0,02	1,72±0,06*	1,64±0,06	1,47±0,08	1,35±0,07
ФХ (мкг.Ph)	1,03±0,01***	0,73±0,01*	0,77±0,01	0,73±0,01	0,73±0,01
ЛФХ (мкг.Ph)	0,21±0,04	0,16±0,03	0,23±0,05	0,18±0,01	0,17±0,01
ФЭА (мкг.Ph)	0,26±0,01	0,40±0,07	0,36±0,04	0,30±0,01	0,22±0,01
СФМ (мкг.Ph)	0,427±0,07	0,43±0,11	0,28±0,11	0,26±0,02	0,23±0,01

Изоҳ:*– кўрсаткичлар АВҚ гуруҳи қийматларига нисбатан ишончли, (* - P<0,05, *** - P<0,001)

Ҳайвонларнинг назорат сериясида аниқланган ўпканинг липопексик муносабати қатор маълумотларни тасдиқлайди. Бироқ, организмда йирингли-септик жараённи чақирилиши мазкур субстратга нисбатан ўпканинг корригирловчи функциясини мавжудлигини аниқлади. Айнан: касалликнинг 1-3 кунида АВҚда ФХ миқдорининг камайиши, эҳтимол, унинг гиперметаболизм билан боғлиқ жараённинг прогрессирланиши туфайли периферик депо (ёғ тўқимаси, жигар, ичак)дан тушишини камайиши билан боғлиқ. Бунда ўпка, липопексияни физиологик камайтириб, АҚда фосфолипидлар миқдорини назорат қийматлари чегарасида ушланиб туришини таъминлайди. Фикримизча, мазкур ҳолатга шу муддатда ўпканинг метаболик фаоллигини компенсатор реакцияси сифатида қараш мумкин.

Патологик жараённинг 7-14 кунларида қондаги УФлар миқдори даражасини кўрсатишича, мазкур муддатда ВАФнинг камайиши ўпка паренхимасидаги структур ўзгаришлар билан боғлиқ бўлди. Мазкур ҳолат,

шубҳасиз тадқиқотнинг ушбу ва кейинги муддатларида веноз ва артериал гипофосфолипидемияни ривожланишига олиб келди.

Қоннинг фосфолипид спектридаги ўзгаришлар натижаларини таҳлил қилиш, ўтказилган тажриба тадқиқотлари асосида шуни қайд этиб ўтиш лозимки, АВҚда лизофосфатидилхолин (ЛФХ), сфингомиелин (СФМ) ва фосфатидилэтаноламин (ФЭА) фракциялари миқдорининг ошиш тенден-цияси ХСТМни чақиришнинг 1-кунида ҳимоя (компенсатор) тавсифга эга. Бунда ФХ концентрациясининг сезиларли пасайишига қарамай АВҚ таркибида УФ миқдори ошди. Афтидан, қуёнларда организмнинг гипореактивлиги жараёнлари яхши ривожланган. Қуёнларда энг паст функционал имкониятлар касалликнинг 7-куни (декомпенсация)да кузатилди, уларда АВҚ таркибида ФХ, СФМ миқдорининг сезиларли пасайиши фонида патологик жараённинг 7- ва 14-кунларида ўпка тўқимасида ЛФХнинг ўзлаштирилишини мос равишда 33% ва 41% ошиши билан АҚда ЛФХ миқдорининг пасайиш тенденцияси кузатилди. Шунингдек, ФЭА фракцияси концентрациясининг ВАФни камайиши ҳисобига ҳам АВҚ, ҳам АҚда ошиши тенденцияси билан ҳаттоки, патологик жараённинг 14-кунида ҳам меъёрлашмайдиган УФ миқдорининг ишончли пасайиши қайд этилди. Қуёнларда фосфолипидлар фракциялари алмашинувининг бундай нисбати, эҳтимол йирингли-септик жараённи тарқалиши ва ўпка тўқимасини жароҳатланишини таъминлайди.

Ўрганилган ҳайвонлар гуруҳларида ўпканинг метаболик фаоллиги билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг турли даражада ривожланганлигига қарамай, эҳтимол, ФЛП-$А_2$ ферменти таъсирида жигарда ФХнинг парчаланиши ҳисобига ёғ кислоталари энергик сарфланади, бу ФХни ЛФХга айлантириб тўйинмаган ёғ кислоталарини ажралиб чиқишини катализлайди ва шундай қилиб, АВҚда унинг концентрациясини оширади. Бироқ, прогрессирланувчи хирургик сепсис чақирил-ган қуёнлар АҚида ФХнинг ошиши билан, аксинча, гиперметаболизм натижасида ЛФХнинг ўпка тўқимасида ютилишини кучайиши туфайли АҚда ЛФХ миқдорининг пасайиш тенденцияси аниқланди. эҳтимол, бу мазкур фракциянинг ўпкани метаболик жараёнларидаги иштироки билан тушунтирилади, айнан ЛФХ ўпкадаги тўйинган ФХнинг муҳим бошланғич маҳсулоти ҳисобланади.

Шунингдек, мазкур қуёнлар АВҚида ФХ миқдорининг пасайишини лецитинхолестеринацил-трансферазанинг фаоллашуви билан тушунтириш эҳтимолдан ҳоли эмас, у ёғ кислоталари ФХдан холестерингa ўтказиш реакциясини катализлайди, ФХ танқислигида ЛФХ мазкур ферментнинг субстрати бўлиб қолади. Мазкур ҳолат хирургик сепсис чақирилган ҳайвонлар АҚида ЛФХ миқдорининг пасайиш тенденциясини тушунтиради.

АВҚ зардобида ФХ концентрациясининг пасайиши жигарда мазкур кўрсаткич синтезининг бузилиши билан боғлиқ, ХСТМда у йирингли-септик жараён ва инфекцион-токсик омилларнинг тарқалиши туфайли гиперметa-болизм билан боғлиқ жараёнларнинг заифлашиши ҳисобига зарарланади.


Қуёнларда ФЭА миқдорининг ҳам АВҚ, ҳам АҚда ошиши тенденцияси эҳтимол, мазкур фракциянинг коагуляция жараёнларидаги иштироки билан боғлиқ. Хирургик сепсис чақирилган қуёнларда гиперметаболизм жараёнлари ва уларнинг компенсатор имкониятларини заифлашуви қонда СФМ

миқдорининг ўзгаришига олиб келади. Бироқ, СФМ таркибида тўйинган ёғ кислоталарининг мавжудлигини ҳисобга олганда, ҳатто гиперметаболик ўзгаришларни ривожланишида ҳам фосфолипидларнинг мазкур фракцияси модда алмашинуви реакцияларида кам фаоллашади.

Умуман, мазкур тадқиқотларга якун ясаб, шуни қайд этиш лозимки, олинган натижалар шубҳасиз, ХСТМда ўпканинг метаболик фаолияти, метаболик жараёнларда унинг фаоллигини бузилишидан далолат беради. Бунда ўпкаларнинг ўзини аҳамияти гиперметаболик жараёнлар фонида уларнинг жароҳатланиши даражаси ва периферик метаболизм ҳолати билан белгиланади.

